

ИСЛОҲОТ -- ФАРОВОНЛИК ЙҮЛИ

Шу йил 12 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармалари, республика бозор инфратузилмаси корхоналари раҳбарлари ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари иштирок этди.

Мажлисида жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатда иқтисодий ислохотларнинг бориши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва мулкнинг давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий йўналишларининг бажарилиши яқунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлиси республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен бошқарди. Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Нуралиев, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Т. Собиров, «Ўзвотбў» концернини раисининг ўринбосари Т. Азимов ва бошқаларнинг кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ахборотлари тинланди.

Мажлисида таъкидландики, республика Вазирлар Маҳкамаси Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуи манфаатдор вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва уюшмаларда бу борада кенг қўламли ишлар бошлаб юборилганлигини қайд этишаркан, ҳозирги кредитларни жалб қилиш ҳисобига кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, кредит берувчи банклар, фондлар ва бошқа ташкилотларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда типовой бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ҳамда маъмул таклифларни умумлаштириш, шахсий томорқа хўжаликларини зарур жиҳозлар, қишлоқ техникаси, минерал ўғит ва озуқа билан таъминлаш, ишбилармонларнинг билимларини оширишга эътиборни қаратдилар.

Мажлисида мутасадди раҳбарларга ўз фаолиятларини танқидий баҳолаб, ўтказилган ислохотларнинг самардорлигини ошириш, инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларини янада кучайтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

«Ўзғамтақисаноат» уюшмалари, «Ўзсувқурилиш» ва «Ўзвотбў» концернларининг тасарруфидан чиқариш режаларини хусусийлаштириш режалари ушбу йилда амалга оширилганлигини қайд қилиш ҳамда ушбу йилда қишлоқ ва сув хўжалиги ишлари тизимини қайта ташкил қилиш бўйича қарор қабул қилиниши ҳақида қарор қабул қилинди.

Мажлисида мутасадди раҳбарларга ўз фаолиятларини танқидий баҳолаб, ўтказилган ислохотларнинг самардорлигини ошириш, инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларини янада кучайтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

У. мухбирини.

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

15 апрель, сешанба, 1997 йил Сوتувда эркин нархда. № 82 (1599)

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Конунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нуриддин Исмоиловга кўнғироқ қилиб, сизларни топиб бўлмади қолди, дедим.

Олий Мажлисида ҳозир ҳар кун шундай аҳволни кузатиш мумкин. Сессия яқинлашган сайин иш қизигандан-қизиб бораёпти.

Эркин ақанинг сўзларини эшитиб, хаёлимга шундай фикр келди: «Фўқароларда қонунларга дахлдорлик ҳисси, тушунчаси пайдо бўлаётгани, демек бундан факат қувонмоқ керак...»

Олий Мажлисида қонунларни тайёрлаш, ишлаб чиқишнинг ўзига хос механизми шаклланаёпти. Ҳеч қандай қонун ўзича ёки тасодифан пайдо бўлаётгани йўқ. Давр ва замон тақозо қилаёпти, шунга эҳтиёж сезилаёпти.

Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муҳокамага 20 дан зиёд масалалар киритилган. Ташқаридан қараган ёки бевосита дахлдор бўлмаган кишига бу жуда оддий тую-

лиши мумкин. Лекин бу жараёни яқиндан кузатган киши унинг масъулияти нечоғлиқ катта эканлиги, ҳар бир сўз, банд ва модда устида қанчалик бош қотириш, ўйлаш, фикр қилиш зарурлиги ёхуд бу бир-икки йиллик эмас, балки мамлакат тараққиёти, тақдирини бевосита боғлиқ бўлган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар эканлигини ҳис қилиши, англаши қийин эмас.

Мамлакатимиз юксалиш томон қадам қўймоқда. Бундай юксак ютуққа эришишда тараққиёт гарови бўлган қонунларимизнинг улуши ҳам бекиёсдир. Қабул қилинган қонунлар жойларда қандай ижро этилмоқда? Бу саволга жавоб топиш учун Олий Мажлисининг 1996--99 йилларга мўлжалланган фаолият дастури билан танишдик. Унга мувофиқ ҳар бир қўмита мутахассислар билан ҳамкорликда қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижросини назорат-таҳлил қилади, камчилик ва ютуқларни ўрганади. Ва бу хулосалар тегишли ҳамда масъул бўлган корхона, вазирликлар иштирокида муҳокама қилинади.

Ҳақ қонунларимиз самарадорлиги хусусида кетар экан Олий Мажлисидаги мониторинг институти ҳақида эсламаслик ножоиздир. Чунки, мониторинг институти Олий қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг таянчи, унинг фаолияти натижаларини баҳолайдиган муҳим воситадир. Қонунларимиз ана шундай институтлар кўмагида янада теранлашиб, мукаммаллашиб бораверади. Шундай йўл билан биз аста-секин қонун чиқарувчи ҳокимият тизимида ҳам энг мақбул, факат Ўзбекистонга хос бўлган механизмни шакллантира бораемиз. Бу хулосалар мамлакатимиз Олий қонун чиқарувчи ҳокимияти ўз фаолиятида сифат ўзгариши томон юз бераёпти, дейишимизга тўла асос яратди.

Исмаи ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи»нинг парламентдаги мухбири.



ТАРАҚҚИЁТ — ДАВР ТАЛАБИ

Гулистонда вилоят фаолларининг жорий йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ў. Исмоилов бошқарди. Сўзга чиққанлар ўтган даврда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда бурилиш юз берганини таъкидладилар. Иқтисодийнинг барча тармоқларини ривожлантиришда, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда кенг қўлама иш олиб борилади. Йилнинг биринчи чорагида саноят маҳсулотлари, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ва товар обороти бўйича белгиланган режалар ошини билан адо этилди. Капитал қурилиш ҳажми эса салкам икки баробар ортди. Пул эмиссияси даражаси камайди.

Шу билан бирга ҳали ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам оз эмас. Корхоналар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қайтариш борасида амалга ошириладиган тадбирлар кутилган самарасини бермаёпти. Бир қатор туманларда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришга чет эл сармоясини жалб этишга етарли аҳамият берилмаётди. Чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш ишлари ҳам кўнглидагидек эмас.

(ЎЗА).

Олтириқ туманининг Файзиобод қишлоғида Фаргона тўқимачилик комбинатининг филиали иш бошлади. Туман ҳокимлигининг бевосита саёй-ҳаракати билан ташкил топган мақсур цехда 120 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. Бу ерда кунига бир сменада 100-120 пагонометр сифатли бўз тўқилмоқда.

Келгусида цехий янада кенгайтириш ниътидамиз, — дейди муҳандис Султонали Шерматов биз билан суҳбатда. — Тайёрлов цехини ҳам қуриб битказасан ана 50-60 нафар кишини иш билан таъминлаш имкони туғилди.

СУРАТДА: Тўқувчи Санобар Жўраева.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

САТРЛАРДА КҮРТ НАФАСИ

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қилади

СОПОЛДАН... ҒАЛТАК

«Физика-куёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир гуруҳ олимлари маҳаллий хомашё -- сополдан ип-йигирув ғалтаклари тайёрлашни йўлга қўйди. Шу вақтга қадар бундай маҳсулот қўшни давлатлардан келтирилган эди. Улар металл ва чиннидан тайёрланган боис, тез емирилди. Сополдан тайёрланган ғалтаклар эса ўта силлик ва мустаҳкам, боз устига анча арзон. Ҳозирдаёқ Тошкент, Наманган, Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги тўқимачилик корхоналаридан янги маҳсулот учун буюртма келди.




ЯРОСЛАВЛИКЛАР ЖИЗЗАҲДА

Россия Федерациясининг Ярославл вилояти вице-губернатори Геннадий Биков бошчилигидаги делегацияси Жиззахга таширф бурди.

Делегация аъзолари вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев билан учрашиб, икки вилоят ўртасида ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусида ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, учрашув чоғида саноят, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

«МЕФА»НИНГ ДОРИ-ДАРМОНЛАРИ



Тошкент давлат шифокорлар талақсини ошириш институтида юрак-қон томири касалликларини дори-дармон билан даволашнинг замонавий усулларини муҳокама қилишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлди. Жаҳонга машҳур «Абако» фармацевтик компаниясининг кичик корхонаси бўлган «Мефа» қон айланиши тизими касалликларини даволаш учун дори-дармон ишлаб чиқарувчи етакчи фирмалардан биридир. Фирмада ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлардан кўпайиб мамлакатларда минглаб беморлар шифо топмоқда. Республикаимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари ҳам фирма билан ҳамкорлик қилади. Тошкентда ўтган кўрғазма давомида яна бир қанча шартнома тузилди.

ЯНА БИР «ЖАҲОН БОЗОРИ»

Урганч шаҳридаги марказий дехқон бозорининг ер майдони ҳозирча 15 гектардан иборат. Аммо у бир-бир ярим йилдан кейин икки марта кенгайди. Бозорча айтганда, мавжуд растанга қиёфаси ўзгариб кетди. Тошкентдаги «Чорсу» бозори андозасидаги иккита улкан доирасимон савдо мажмуи -- 300 сотувчига мўлжалланган киши -- 500 ўринли ёғи павильонлар қурилади.

Бу ерда кийим-кечаклар, уй-рўзгор буюмлари дўконлари, хўнамандчилик устаноналари, хизмат кўрсатиш ва маданий-маиший масканлар барпо этиш ҳам режаланган. Барча растанлар ва билорлар эса шарқона услубда безатилади. Воҳанинг янги «Жаҳон бозори»ни «Хоразмқурилиш» хиссадорлик жамияти жамоалари барпо этмоқдалар.

«МАГНУМ» -- СЕРУНУМ ТЕХНИКА

Далаларимизда АҚШнинг дунёга машҳур «Кэйс» галла ўриш комбайнлари қаторига эндиликда юқори унумли ва жаҳон андозалари талабига мос «Магнум -- 7240» русумли тракторлар ҳам қўшилди. Бошқариш жуда қулай. Илгарини «Т-4» тракторида ишлаганда кучли шовқин, чанг, ёниги хиди, ёз иссинию кишининг аёзи бошқарган механизматорнинг жонига тегиб кетарди. Янги техника аввалгига нисбатан беш-олти хисса кўп ишни бажаради.



ЙИЛ ЧОРАГИ ТАҲЛИЛИ

Жиззах вилоятида шу йил биринчи чорагида саноят маҳсулотини, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўлайди. Жумладан, саноят корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,5 фоизни ташкил этди. Эмиссия даражасининг камайишига эришилди.

Йил биринчи чораги яқунлари ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилишида ана шулар қайд этилди. Сўзга чиққанлар қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам дастлабки сиёжашлар кўзга ташланганлигини таъкидладилар. Айни вақтда жойларда қўшма корхоналар ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, корхоналар ўртасида дебиторлик-кредиторлик қарзла-

ЎЗБЕКИСТОН -- ФРАНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида «Ўзбекистон-Франция» дўстлик жамиятининг илк бор ўзбек тилида чоп этилган «Ўзбекистон-Франция» бюллетени тақдимномаси бўлди.

Маълумки, Парижда ташкил этилган «Франция-Ўзбекистон» дўстлик уюшмасининг француз тилидаги бюллетени мана бир неча йилдан буён нашр қилинади. Унда Марказий Осиё тўғрисида нафақат франциялик мутахассислар, балки ўзбек муаллифларининг мақолалари ҳам чоп этилади. Эндиликда эса ҳамюртларимиз ушбу мамлакат, унинг маданияти, тарихи, иқтисодиёти тўғрисидаги маълумотларни ўзбек тилида олади.

Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар «Ўзбекистон-Франция» дўстлик жамияти бюллетени халқларимиз ўртасидаги асосланган дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини айтди.

(ЎЗА).

ЯНГИ УЮШМА ТУЗИЛДИ

Бозорларимиз тўқин-сочинлигини таъминлашда шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжалиқларининг ҳиссаси катта. Республика раҳбарияти шунини ҳисобга олиб уларга амалий ёрдам бериш чора-тадбирларини кўрмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжалиқларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озик-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айни шу мақсадга қаратилган.

Мақсур Фармон талабларини бажариш мақсадида Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжалиқлари уюшмаси тасис қурултойи ўтказилди. Уни республика Тошкент шаҳридаги «Аграр» биркорлар палатасининг раиси А. Йўлдошев бошқарди. Қурултойда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзулгуржименасабзавот» компанияси, Ўзбекбирлашув раҳбарлари, жойлардаги дехқон-фермер хўжалиқлари уюшмалари, шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжалиқлари бошлиқлари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг М. Жуманиёзов уюшманинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлади. Аграрман қатнашчилари ажратилган ерлардан самарали фойдаланиш, шахсий томорқа эгаларига амалий ёрдам бериш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, кўшимча ер майдонлари ажратишни назорат қилиш, маҳсулот етиштирувчилар билан уни харид қилувчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар. Тасис қурултойида Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжалиқлари уюшмасининг низоми тасдиқланди ва бошқарув органлари сайланди.

(ЎЗА).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

БАЪЗИ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛСА...

«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Журналистнинг касбига доир фаолиятини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳалари мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш йўлида хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлардир. Шу боис биз буларни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Журналист фаолиятининг асосий «озиги» -- бу ахборот ҳисобланади. Жамиятимизда ахборот йиғиш, излаш узатиш ва тарқатиш учун кенг имкониятлар яратишга ҳуқуқий асос яратилмоқда. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси умуман олганда, пухта тузилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Қонун лойиҳасининг 2-банди масаланинг туб моҳиятини ақс эттиради. Жумладан, унда шундай дейилади: «Хар бир фуқарога ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Хар қимнинг ахборот излаш, олиш, таққид этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқини давлат химоя қилади». Хар бир фуқаронинг бу борадаги ҳуқуқини давлат химоя қилиши қонуннинг ижроси учун муҳим тақдирга эришиши таъминланади.

Қонун лойиҳасидаги 6-модда ҳам қўйилган масалани оидинлаштиришга бағишланган. Ахборот олиш учун бериладиган сўров шакллари ва муддатлари

мазкур моддада аниқ ва лўнда тарзда баён этилган. Хусусан, муайян орган сўраётган ахборотга эга бўлмаган тақдирда ушбу ахборотни олиш мумкин бўлган органини ахборот сўровчига билдириш мажбуриятининг кўрсатилиши турмушда учраши мумкин бўлган мансабдорнинг «Биз бундай ахборотга эга эмасмиз!» дея идора эшигини қарс» этиб ёпиб қўйишига ўрин қолдирилмастлигини кафолатлайди.

Шунингдек, «Тақдим этилиши мумкин бўлмаган ахборот» дейилган моддада «Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар башарти сўраётган ахборотнинг мазмунини давлат сирини ва қонун билан қўриқладиган бошқа сирини ташкил этувчи маълумотлар мавжуд деб ҳисобласалар, бундай ахборот беришни рад қилмадилар», дейилган. Бизнингча, «ҳисобласалар» сўзидан кейин «ва бунинг

ҳақиқатан шундайлигини исботловчи ҳужжатлар воситасида ахборот сўровчини қаноатлантирса» деган жумлани қўшиб қўйиш керак. Акс ҳолда бу модда бюрократ мансабдор шахс учун исталган ахборот сўровини ирад этиш учун ўзига хос дастак бўлиши мумкин.

Яна бир истак. Модомики, Қонун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган экан, ундаги айрим сўз ва атамаларга аниқ дефиниция (таъриф) бўлиши лозим. Жумладан, қонун лойиҳасида «ахборот» ҳақида сўз юритиларкан, унга юридик таъриф берилиши керак. «Журналистнинг касбига доир фаолиятини химоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасидаги «Журналист текшируви» моддаси бўйича ҳам бир мулоҳазамиз бор. Аслида, «Журналист текшируви» моддасининг киритилиши ўринли бўлган. Модомики, оммавий ахборот воситаси ходими журналистик текшируви олиб боришга ҳуқуқли бўларкан, бунинг амалга ўтарақ оширини учун яширин камера ва бошқа шу каби техник воситалардан фойдаланишга қонун йўли билан рўхсат берилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

О. МАДАЕВ, ТошДУ журналистика факультети декани Б. ДЎСТҚОРАЕВ, ТошДУ «Матбуот назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ИҚТИСОДИЙ ҚАМАЛ ҚИЛИШГА ДАЪВАТ ЭТДИ

АҚШ ҳукумати Европа давлатлариغا мурожаат қилиб, Эрон Ислом Республикасини иқтисодий қамал қилишда Оқ уй маъмуриятини қўллаб-қувватлашга даъват этди.

АҚШ давлат департаменти расмий вакили Николас Бернс эълон қилган баёнотда Оқ уйнинг ана шу даъвати билан бирга Эрон раҳбариятини кўриш тақдирини ҳам бор.

Берлин шаҳар суди Эрон ҳукуматининг Германияда яшашган муҳолифат вакилларига суиқасд уюштиргани тўғрисида қарор қилган эди. Бу эса Эрон кўпуровчиликни қўллаб-қувватлаётганини исботлайди, деди Н. Бернс. «Шу боис Оқ уй маъмурияти Эрон иқтисодиёти бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ҳисобига ривожланишини истамайди», деб таъкидлаган у.

АРМИЯ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА

ЖАКАРТА. Филиппин ҳукумати мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳарбий соҳани ислоҳ этишга қарор қилди.

Унга кўра, армия учун энг замонавий ҳарбий техника намуналари харид қилинади ва бунинг ҳисобига ҳарбий хизматчилар сонини кўрсатилади. Ҳозирда Филиппин армиясида 120 миң ҳарбий хизматчи бор. Мутахассисларнинг фикрича, Жануби-шарқий Осиё минтақасидаги бошқа давлатларга нисбатан Филиппин қуроли кучларининг ҳарбий салоҳияти камроқдир. Филиппин ҳукумати билан АҚШ маъмурияти ўртасидаги махсус битимга му-

вофик, Америка Филиппин ҳавфсизлигини таъминлайди. Мамлакат қуроли кучларини замонавийлаштириш учун махсус лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш учун 12,7 миллиард доллар ажратилган.

ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТГА ЭИД...

ИСРОИЛ ҳукумати 1949 йилда имзоланган Женева конвенциясини «деярли мунтазам равишда» бузмоқда, деб баёнот берди Халқаро қизил ҳоҳ қўмитаси президенти К.Соммаруга.

У Қуддуснинг араблар ихтиёридаги қисмида ҳамда айрим бошқа жойларда яҳудийлар учун анги турар жойлар қуриш тўғрисидаги Исроил ҳукумати қарорининг «Уруш вақтида тинч аҳолини химоя қилиш тўғрисида»ги мазкур халқаро ҳужжатга зид эканини айтиди.

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК

БУХАРЕСТ. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Руминия мамлакат армиясини такомиллаштириш борасида Шарқий Европа мамлакатлари ичида «биринчи эшелон»да бормоқда.

Ҳозирги кунда Руминия Американинг «Белл ҳеликоптер текстрон» фирмаси билан ҳамкорликда «Кобра» русумидаги жанговар вертолёт ишлаб чиқариш тўғрисида махсус лойиҳа тузган. Лойиҳа қиймати 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, Руминия билан Франциянинг «Матра» фирмаси ўртасида «Ер-ер» туркумидаги ракетапарни етказиб бериш тўғрисида ҳам шартнома имзоланган. Армияни замонавий электрон қуроллар билан таъминлаш бўйича эса мамлакат Германиянинг «Даймлер-бенц» ва Франциянинг «Томпсон» фирмалари билан ҳамкорлик қилмоқда.

(ЎЗА).

«НАВРЎ -- БОҚИЙ БАЙРАМ»

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди «Наврўз -- боқий байрам» танловига тақдим этилган ижодий ишларни кўриб чиқиб, голибларни аниқлади.

«Халқ сўзи» газетаси тахририяти Наврўз байрамини энг яхши ёритган тахририят деб топилди.

«ЭНГ ЯХШИ МУКОЛА УЧУН» БИРИНЧИ МУКОФОТ:

Азим Суюнга -- «Наврўз гавҳарлари» («Ўзбекистон овози») мақоласи учун;

ИККИНЧИ МУКОФОТ:

Фулмоҳон Годуровага -- «Халқ сўзи», «Маҳалла», «Соҳибқирон юлдузи», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида эълон қилинган Наврўз мавзусидаги туркум мақолалари учун; Кабир Худойбергандов, Шухрат Раҳимов, Абдуқолиқ Мамарамовга -- Ўзбекистон радиоси орқали Наврўз кунлари эфирга узатилган туркум эшиттиришлари учун.

УЧИНЧИ МУКОФОТ:

Гулчехра Жамиловага -- «Сумалак сунинг, момо» («Халқ сўзи») мақоласи ва «Оила ва жамият» газетасида эълон қилинган материаллари учун;

Абдувоҳид Тўраевага -- Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири, республика марказий газеталарида эълон қилинган туркум суратлари учун; Кутлибека Раҳимбоевага -- «Яхши кунлар келди» мақоласи («Хуррият»), «Шахс ва дунё» («Осиё бозори») Наврўзга бағишланган материаллари учун берилди.

Танлов ҳаёяти Наврўз айёмини ёритишда ва танловда иштирок этишда алоҳида фаоллиги учун Ўзбекистон телерадиокомпаниясини, «Овози тожик», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тонг юлдузи», «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшом», «Вечерний Ташкент», «Аншижоннома», «Самарқанд», «Навоий овози», «Хива тонги», «Янгиер тонги», «Янгиерский зори», «Паркент тонги», Китоб туманининг «Ғалаба», Фарғона туманининг «Шоғли меҳнат» тахририятларини махсус дипломлар билан тақдирлашга қарор қилди.

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни, амалга ошириладиган демократик ислохотларни кенг тарғиб қилиш, одамларга она-Ватанга, истиқлол гоҳларига, миллий қадриятларга садоқат туйғуларини шакллантириш йўлида астойдил ижод қилётган матбуотимиз филолиларини рағбатлантириш мақсадида «Йилнинг энг яхши журналисти» танловини ўтказишни маълум қилган эди. Айни кунларда 1996 йил учун ижодий ишларни тавсия қилиш давом этмоқда.

Танлов кўйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади: -- ижтимоий-сиёсий; -- иқтисодий; -- маънавий-маърифий; -- Ўзбекистон ва халқаро ҳаёт.

«Йилнинг энг яхши журналисти» танловига июнь ойида якун ясалди.

Танловга номзодлар тахририятлар, жамоат ва давлат идоралари томонидан тавсия этилади.

Голиблар мавзу йўналишлари бўйича кўйидаги тартибда тақдирланади.

1. Биринчи мукофот (тўртта) -- ҳар бири энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда.

2. Иккинчи мукофот (саккизта) -- ҳар бири энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорда.

3. Учинчи мукофот (12 та) -- ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда.

Танловга тавсия этилган ижодий ишлар икки нусхада, тахририят тавсияси билан 10 майга қадар кўйидаги манзилга юборилиши керак:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди. «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ҳаётига.

Тақдим этилган ишлар 10 июнгача кўриб чиқилади, голиблар 27 июнь -- Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни эълон қилинади.

(ЎЗА).



МУЛҚДОРЛАР СИҢФИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТУРУҶИ

Энди оила бюджетини таҳлил қилиш масалаларига кўпроқ эътибор берилаяпти. 450 оиланинг бюджетини ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Аксариятида бюджет харажатларининг асосини томорқадан келган даромад қоплайди аниқланди. Утган йили томорқалардан вилоят бўйича оила бюджетига 4 миллиард 600 миллион сўмдан зиёд даромад келди. Ойилар сарф-харажатининг бешдан бир қисмини томорқадан олинган фойда қоплайпти.

Томорқа қайси туманда яхши ривожланган бўлса, уша ҳудудда оилалар тўқ ва фаровон яшайпти. Олтириқликларнинг томорқадан бир йилда уч марта ҳосил олиш тажрибаси бугун республикага ёйилган. Республика бозорларини эртаги бординг ва қиш бўйи тур билан олтириқликлар таъминлаб туриштипти, десак хато қилмаймиз. Тумандаги 31 миңдан зиёд хўжалик ихтиёрида 1200 дан зиёд томорқа ерлари мавжуд. Ана шу майдонлардан утган йили 288 миллион сўмлик махсулот йиғиштириб олинди, соғилган. Бошқача айтганда, олтириқлик ҳар бир оила ўз бюджетининг тенг ярминини томорқадан олинган даромад ҳисобига қопламақда.

Туманда тажрибасини бутун республикага ёйса буладиган томорқачилар сулоалари аста-секин етишиб чиқаяпти. Шулардан бири Абдуқалил Кенжаев. У Навоий номи жамоа ҳўжалигида тракторчилик қилди. Асл деҳқон эканлигини

Хақиқатан ҳам сўнгги йилларда Фарғона вилоятинида томорқалардан фойдаланишда катта ўзгаришлар қилинди, десак муболаға бўлмайди. Томорқачилар қишлоқда мулкдорлар синфининг ўзига хос туруҳи пайдо бўлаётганини аниқ кўрсатиб турибди. Вилоятдаги жами экин майдонининг 14,4 фоизини томорқа ерлари, шунинг бўйича тайёрланаётган доннинг 23 фоизини, सबзотининг 77,4, картошканиннг 77,3, полиз махсулотларининг 64,9, меваниннг 64, узумнинг 67 фоизини бугунги кунда томорқачилар етказиб беришти.

Айтишларича, қирқинчи йиллар сўнггида ҳашар йўли билан қурилган бу паҳса бинода илгари Йўлдош Охунбоев номи мактаб жойлашган экан. Ҳн йиллар бурун ишнот аvarия ҳолатига тушиб қолганини учун мактаб янги бинога қўчирилган. Урнига эса биз юқоридан номини тилга олган марказ кўчиб ўтган. Мангикўн қарангки, иш-лаш ва ўқини ҳавфли, деб топилганлиги сабабли бу ераги муассаса бошқа жойга қўчирилган бўлса-да, унинг ўрнига бошқаси жойлаштирилган.

Бинонинг ҳозирги ҳолатини кўриб ачиниб кетасиз, унинг асосий қисми ўпирилиб тушган. Хоналар девори дарз кетиб, ташқари кўриниб туради. Бу ерда ишловчиларнинг эса ҳар бир кўни миңг таҳлика остида ўтади. Чунки қутилмаганда хона деворлари ўпирилиб тушиши ҳеч гап эмас. Марказ учун қуриладиган янги бинонинг қачон битишини эса ҳеч ким билмайпти.

Қурилиш 1992 йилнинг апрель ойида бошланиб, етти ой давом этди. -- дейди марказ директори Раҳматулла Жаб-

ХАЗИНА

Истиқлол шамоллари эса бошлагандан буён, томорқа сузининг ижтимоий моҳияти ва маъноси, одамларнинг ерга ва қишлоқдаги мулкдорларнинг томорқаларга муносабати кескин ўзгарди. Юртбошимизнинг дастлабки фармонларидан бири аҳолига эҳтиёжига яраша томорқа бериш ҳусусида эканлиги ҳам беғиз эмас. Кейинги беш йил ичида биргина Фарғона вилоятининг ўзида 17 миң гектардан зиёд унумдор, мул ҳосил бераётган, ҳайдаладиган майдонлар аҳолига томорқа қилиб берилди. Ҳўш, бундан давлат ютдими, ютқаздими?

МУЛҚДОРЛАР СИҢФИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТУРУҶИ

Энди оила бюджетини таҳлил қилиш масалаларига кўпроқ эътибор берилаяпти. 450 оиланинг бюджетини ҳисоб-китоб қилиб чиқилди. Аксариятида бюджет харажатларининг асосини томорқадан келган даромад қоплайди аниқланди. Утган йили томорқалардан вилоят бўйича оила бюджетига 4 миллиард 600 миллион сўмдан зиёд даромад келди. Ойилар сарф-харажатининг бешдан бир қисмини томорқадан олинган фойда қоплайпти.

Томорқа қайси туманда яхши ривожланган бўлса, уша ҳудудда оилалар тўқ ва фаровон яшайпти. Олтириқликларнинг томорқадан бир йилда уч марта ҳосил олиш тажрибаси бугун республикага ёйилган. Республика бозорларини эртаги бординг ва қиш бўйи тур билан олтириқликлар таъминлаб туриштипти, десак хато қилмаймиз. Тумандаги 31 миңдан зиёд хўжалик ихтиёрида 1200 дан зиёд томорқа ерлари мавжуд. Ана шу майдонлардан утган йили 288 миллион сўмлик махсулот йиғиштириб олинди, соғилган. Бошқача айтганда, олтириқлик ҳар бир оила ўз бюджетининг тенг ярминини томорқадан олинган даромад ҳисобига қопламақда.

Туманда тажрибасини бутун республикага ёйса буладиган томорқачилар сулоалари аста-секин етишиб чиқаяпти. Шулардан бири Абдуқалил Кенжаев. У Навоий номи жамоа ҳўжалигида тракторчилик қилди. Асл деҳқон эканлигини

ЧАЛА ҚУРИЛИШ

Қарши шаҳридаги Олмазор кўчасига келиб қолсангиз, диққатингизни бир гариб бино ўзига тортади. Унинг вилоят ёш савҳатчилар ва ўлкашунослар маркази эканлигини эшитиб ёқангизни ушлаб қолсангиз, ажаб эмас.

Айтишларича, қирқинчи йиллар сўнггида ҳашар йўли билан қурилган бу паҳса бинода илгари Йўлдош Охунбоев номи мактаб жойлашган экан. Ҳн йиллар бурун ишнот аvarия ҳолатига тушиб қолганини учун мактаб янги бинога қўчирилган. Урнига эса биз юқоридан номини тилга олган марказ кўчиб ўтган. Мангикўн қарангки, иш-лаш ва ўқини ҳавфли, деб топилганлиги сабабли бу ераги муассаса бошқа жойга қўчирилган бўлса-да, унинг ўрнига бошқаси жойлаштирилган.

Бинонинг ҳозирги ҳолатини кўриб ачиниб кетасиз, унинг асосий қисми ўпирилиб тушган. Хоналар девори дарз кетиб, ташқари кўриниб туради. Бу ерда ишловчиларнинг эса ҳар бир кўни миңг таҳлика остида ўтади. Чунки қутилмаганда хона деворлари ўпирилиб тушиши ҳеч гап эмас. Марказ учун қуриладиган янги бинонинг қачон битишини эса ҳеч ким билмайпти.


Қурилиш 1992 йилнинг апрель ойида бошланиб, етти ой давом этди. -- дейди марказ директори Раҳматулла Жаб-

зорларида 2 тоннадан ортқ помидорни анча арзон нарҳда сотса ҳам 275 миңг сўм фойда кўрибди. Бундан ташқари иссиқхонадаги резавор қўчатлардан, лимондан 15 миңг сўмга яқин даромад қилинди. Агар бунга ҳўл мева сотишдан келган 43 миңг сўм фойда пулини қўшсак, оиланинг бир йиллик ялли даромади 300 миңдан ошиб кетди. Оиладаги 3 нафар пенсионер ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ, баҳоли қудрат Мансуржонга ёрдам беришди. Жонбошига тушган даромад 68 миңг 800 сўмдан тўғри келди. Оиланинг қами йўқ, Енги машина, аравачали мотоциклдан тортиб, хоналарга совутигачча ўрнатилган.

Вилоятда бундай табириқор оилалар тобора кўпайиб боришти. Шуниси қувончлики, ҳар бир туманда етиштирадиган махсулотига қараб томорқачиларнинг ўзига хос туруҳлари пайдо бўляпти. Олтириқликлар бординг ва турп етиштириш миришқори бўлишса, тошқоқликлар помидор етиштиришнинг маромини олишган. Полиз махсулотлари етиштиришда баувайдалик ва ёёвонликларнинг олдига тушади.

Баҳор деҳқон билан бирга томорқачиларини ҳам шошириб қўйди. Энди улар юз кўришганда, ҳол-аҳвол сўрашдан олдин «томорқангга нима экдинг», деб сўрайдиган бўлиб қолди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.



боров. Аммо миңг афеусеки, вилоят капитал қурилиш бошқармаси маблағ ажратмаганлиги туфайли бу иш аро йўлда қолиб кетди. Мана беш йилдирки, мазкур ташкилотдагилар «йиллик режата киритдик, пул ўтказаяпмиз» сингари қуруқ ваъдалар билан қўйнимизни пуч ёнгоққа тўлдириб келишяпти.

Муҳалланган ушбу марказ қурилишининг асосий қисми битган, аммо чала иморат қор-ёмғир натижасида ўз сифатини йўқотиб бораёпти. Вилоят ёш савҳатчилар ва ўлкашунослар маркази жамоаси, вилоят халқ маорифи бошқармаси раҳбариятининг қурилишни тезлаштириши сўраб мутасадди ташкилотларга қилаётган мурожаатлари эса жавобсиз қолмоқда.

СУРАТЛАРДА: вилоят ёш савҳатчилар ва ўлкашунослар маркази бугун мана шу бинода фаолият кўрсатмоқда: чала қолган қурилиш.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ҚУРУЛТОЙИ

11-13 апрель кўни Истанбул шаҳрида Туркий давлатлар ва жамоаларнинг дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик 5-қурултойи бўлиб ўтди. Унда барча туркий давлатлардан, Россиядаги кўчтор турк жумҳуриятларидан, Европа, Америка, Австралия, Қўйингки, дунёнинг турли бурчақларида яшайтган туркий қавмлардан вакиллар қатнашди. Ўзбекистон маданият ишлари вазири Х. Жураев бошчилигидаги республикамиз ҳайъати ҳам анжуманда иштирок этди.

Қурултой Туркия Президенти Сулаймон Демиралдин раҳнамолигида туркий давлатлар ва жамоаларнинг дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик жағмармаси (ТЎДБ) томонидан 5 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади. Йилгари у Анталья (1993), Измир (1994-95), Анкара (1996) шаҳарларида бўлиб ўтган эди.

ТЎДБ бош котиби профессор Абдуқолил Чайнинг таъкидлашича, Қурултойнинг асосий мақсади туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида узаро манфаатли муносабатлар урнатилиш, фан, маданият ва маориф соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Н. МУҲАММАДИЕВ, «Жаҳон» Ахборот агентлиги мухбири, Анкара.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 15 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади: *

Table with 2 columns: Currency and Exchange Rate. Includes entries for Australia, Austria, Belgium, etc.

* валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.



БОЗОР-ДУКОН ДЕҲҚОНГА МАБҚУЛ КЕЛЯПТИ

Бахт шаҳрида вилоятдаги энг катта бозорлардан бири жойлашган. Бу ерда вилоятнинг чекка қишлоқларидан келган деҳқонлар ҳам ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб келиб сотишади. Бахт шаҳри улгуржи-чакана савдо харид бозор-дуконини ишга туширишди. Бозор-дуконнинг қулайлиги шуки, деҳқон ўз маҳсулотини олиб келиб келишган нархда бу ерда топширади. Унига эса дуконда мавжуд бўлган 400 хилдан ортиқ моллардан ўзига кераклигини (албатта, қийматига қараб) олиб кетиши мумкин.

СУРАТЛАРДА: бозор-дуконнинг кўриниши. Дукон сотувчиси Носир Азизов.

Б. Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.

УМУМИЙ АХБОРОТ ТАРМОҒИНИ БАРПО ЭТИШ -- ДАВР ТАЛАБИ

Фан ва техника давлат қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот тармоғини барпо этиш концепциясини амалга ошириш бўйича республика идоралараро комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, банкларнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Мажлисни қўмита раиси, идоралараро комиссия раиси, академик П. Хабибуллаев очди. У миллий ахборот-хисоблаш тармоғининг барпо этилиши, Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот маконига қўшилиши, республика халқ хўжалигининг барча соҳаларида иш самарадорлигини оширишнинг муҳим омил эканини қайд этди. Бу масаланинг ҳал этилиши мамлакат раҳбариятининг доимий эътиборида турибди. Бу соҳада давлат сиёсатини белгилаб берувчи қонунлар қабул қилинган, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базасини хуқуқий жиҳатдан асраш бўйича агентлик тўзилган.

Фан ва техника давлат қўмитасининг турли бўлинмалари мутахассислари ишлаб чиққан концепцияга мувофиқ республиканинг кўпгина вазирлик ва идораларида замонавий машиналар ва дастурий маҳсулотлар асосида компьютер тармоқлари барпо этилган. Давлат қўмитаси ҳузурида ахборот технологиялари ўқув маркази очилган бўлиб, унинг тинловчилари жаҳон андозалари даражасида билим олади. Бирок, мажлисда қайд этилганидек, барча тизимларни бирлаштирувчи ягона миллий ахборот тармоғини барпо этиш учун ҳамма жойда шу соҳа бўйича юксак малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Мажлисда Ўзбекистон банкларини ахборот тармоғи билан таъминлаш қандай бораётгани ва бу ишнинг истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Республикада классификаторларнинг умумий тизимини барпо этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бу тизим мамлакатда ягона ахборот маконини барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

ХОРАЗМДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Бозор иқтисодиётининг синови ва талаблари тиббий ўқун ҳам ўзига хос қийинчиликлар туғдираётгани сир эмас. Бу маблаг билан боғлиқ муаммо. Ишончли маблагга эга бўлиш, уни излаб топилган ҳар биримизда салоҳият бўлиши зарур.

Жаҳон таърибиса тиббий ёрдам ва таъминотнинг турли ва ҳамма учун мақбул усулларини фаол қўллашни тақозо этади. Бироқ шуни ҳам айтиш жоизки, ақсарият, ҳамдустлик мамлакатларида тиббий хизматнинг хўжалик ҳисоби усули таклиф этилган. Улардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда эса фуқаролар соғайиши сарф-харолатини ўз зиммасига олган давлатнинг ўзи муҳофазат қилади. Лекин маблаг ва тиббий технология усуллари, асбоб-анжомлар тақчиллиги -- ҳамма республикалар учун муаммо.

Уни давлатлараро инсонпарварлик ёрдами ва самарали ҳамкорлик принциплари асосида ишлаётган турли халқаро ташкилотлар, жағвармолар, ҳаракатлар кўмаги билангина бартараф этиш мумкин. Бунинг учун эса ана шу уюшмалар сафида фаол ҳаракат қилмоқ, давлат ва жамоат ташкилотлари кучи, маблагини, сарф-харолатларини ўзаро уйғулаштириб, мўвофиқлаштириб бормоқ зарур.

Марказий Осиё давлатларининг соғайиши сақлаш тизими молисини бошқариш масалаларига бағишлаб Урганчда ўтказилган халқаро семинар қатнашчилари ана шундай ҳулосага келдилар. Семинар АҚШнинг Халқаро соғайиши сақлаш иттифоқи ҳамийлигида ўтди. Унинг ишида қатор раб ва ҳамдустлик мамлакатлари ҳамда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган тиббиёт ва иқтисод соҳаси олимлари, соғайиши сақлаш мажмуалари раҳбарлари иштирок этиб, турли мавзуларда маърузалар қилинди.

Абдула СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЛИС ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ

Нормурод бобо қишлоқда яшайди. Жануб осмонининг жавзо кўшидан ҳарорат тиги ерга санчиладиган қишлоқда. У ерни Қизилтом деб аташади. Чўл ўзлаштирила бошланган дамлар замонавий русумда давлат тўрт-бешта қизғиш тус уйларни қурганди.

Сурхонликлар уйни том дейишади. Шу-шу, бу жой Қизилтом бўлиб кетган. Қизилтомни шўролар қурдимми, бизми, ёки бошқаларми, гап бунда эмас. Лекин бу ердаги ҳаётни одамлар тиклади. Бийдай чўлга жон киритдилар, бир замонлар осмоннинг бурчига туташиб кетган чўл кесаклари «гуллаб», Сурхон воҳасининг қақраган лаби -- Қизирикқа сув теғди. Кейин чўл бир бошқача бўлиб кетди, бағрида яширилган мўъжизалар билан борлиқни хангуманг этди, қўйди.

Жозиллаган жазирамада жазиллаган жазилловуқлар-да, зовурларда ҳаёт оққанидан хайратда донг қотдилар. Асрларки куч тўплаб, семириб ётган заминни аллақердан пайдо бўлиб қолган канал-канал сувлар қитқилди, уйғотди, бу ҳароратли ва тотли Уйғониш эди.

Кейин... Кейинми?... Бийдай сахро юзини яшил парда қоплади. Аввал гўмой, шамок, чирмовук, ажирик, семиз ўт, ит узум, шўроўт, қиёқ, хуллас, қакра-у, гулпечак бу кенгликларга эга чиқиб қолди... Барбир яшиллик яхши-да, тирикликнинг белгиси-да... Елвизак тафти пасайди... Асрий худолки, минг-минг йиллар қатигади тундлик ороли бузилди. Кўп ўтмай табиатнинг эрка ва ёввойи ўтлари бир мунча жойини деҳқонга бўшатиб берди.

Энди кўринг... Узундан-узоққача, кўз илгарилтамас майдонларда мезон шамолли эсар-эсмас қанди-навот қонунлар тарс ёрилиб чўл тоғини сеҳрлаб қўйди, қучоққа сиғмас тарвузлар қўшда товланди. Сурхон ҳандалаклари ўриқларни қувиб ўтиб, пишиб етил-

ганидан жаройнага жар солди. Чўл яшнаб кетди. Минглаб гектар майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари гуркираб ўсди. Чўл бўлиқ ҳосил остида қолди... Буларнинг ўзи бўлмади... Сахро кўшига

юрт, она тупроқ бағрига қайтишди. Ерга кетмон солишди, тупроқ ўрнига ризқ тўкилди, дуру-жавоҳирот унди. Менгбўта, Назар, Аҳмадлар отага мадад бўлди. Шербўтабой олий ўкув юртини битириб, шаҳарда обрўли одам бўлиб қолди, лекин азамат ойда уч-тўрт марта келиб кетади, шунда елкасига кетмонни ташлаб, болагини кечган далаларга чиқади, оғанилари қабатида ер қопади.

-- Далада кетмон қоп кетибди, кечкурун чархлайман, дедим.
-- Кетмоннинг дастаси шамок ичида кўриниб турибди-ку, -- дермиш халига жўраси, илонни кўрсатиб.
Нормурод бобо:
-- Нима десанг ҳам шу гап икковимиз орамизда қолсин, -- деди.
Йўқ, бу гапни жўраси айтмагандир, лекин элга тарқалди.
Балки шамок ўтлар «оғзидан гуллаб» қўйишгандир. Аммо Нормурод

мактаблар, боғчалар қурилди. Уйларга телефонга довур ўрнатишди. Одамлар чиройли қилиб гишдан уй тиклашапти. Халққишлоқларимизнинг ҳар бирида энгил мошин бор. Улар бунга қўлдаги қийин, аммо самарали меҳнат эвазига эришди. Хозир ўзимизда чиқапти-ку, мошинлар... -- «Нексия», «Дамас», «Тико»...
-- Ҳа, шундай мошинлар ҳам қишлоқда кўпайиб кетди. Юртбошимизнинг ободчилиқ, тинчлик ҳақидаги гапларини эшитиб яшариб кетаман. Қайтадан кучга тўламан. Мен мамлакатимиз чиройли бўлиб бораётганини шу Қизилтом мисолида ҳам англаймман. Одамларимиз дастурхони бут. Ҳар бирининг уйида сигир, қўй парранда бор. Ош-қатиқ сөрөб. Муҳими, одамлар меҳнат қилса, давлатнинг олдида уялиб қолмаса бўлди. Ер ўз эгасини топапти. Хирмонимиз шу сабабли баракага тўлиб борапти. Энди ишлайдиган замон келди. Агар ўша йигитлик пайтим қайтса бормиди?... Э, чўл даласининг бағри бойликка тўлиб ётибди. Унга фидойилик ва ақл билан қараш керак.

ЧўЛНИНГ ТУЛ ЙИТИТИ

тик қараган бобо деҳқоннинг чидамли ва ҳалол меҳнати эвазига келди.
Нормурод бобо биринчилардан бўлиб чўлга кетмон уриб, гулга айлан-тирганлардан. Оқсоқол ҳозир етишдан ошди. Қизилтомнинг эътиборли, иззатли кишиси. Лунда қилиб, бўлар гапдан гапирди. Сўзи милтиққа юкланган ўқдай. Тўғри, бехато кетади. Чинаккам чўл кишиси. Сипойчилик қилиб ўтирмайди, борини айтади, қўяди. Бизга кетмондан, ердан, даладан гапиринг, чўл ҳосилининг чўғидан суранг, дейди. Савлатдор ва бақувват қолдаги тетиклики кўриб, таърифга сўз тополмайси. Вужуддан йигитларга хос шижоат ёғилади. Отахон жуда кўп муқофотлар олганини айтиб, ичидан суйиниб ҳам қўяди. Қисқаси, Нормурод бобо чўлни яшнатди, ўзи-да яшариб бораверди. Ували-жували бўлди. Болалари ҳам шунга мослашди. Ерга тоғландилар... Ҳеч кимдан кам бўлишмади. Уқишди. Шаҳар қиришди, яна бағри кенг Қизилтомга, зориқиб қутаётган ота

Нормурод бобо бир гектар ердан қанча ҳосил олиш мумкинлигини, нима қилса, қандай бўлишини бир қарашда айтиб беради. Қирқ йиллик бетиним меҳнатнинг сабоғи бу. Ҳозир ҳам кўнгли тўлмаса, энг шимариб ўзи ишга киришиб кетади. Энг қизғи, кун бўйи ишлаб сираям чарчамайди, газета ўқийди, телевизор кўради, дунёда бўлиб ўтаётган гап-сўзлар мағзини қақиб ўтиради. Лекин деҳқончилик бобида ҳар қайси донишмандни йўлда қолдиради. Уйда камроқ, далада кўпроқ бўлади. Отахон шамок ўтини ёмон кўради...
Нимага? Қизик бўлган. Қайси бир йили (бу узокнинг гапи) Нормурод бобо даладан қайтаётиб, ўқариқ четидидаги шамокзорга бурилади... Шунда «вой-вой»лаган-ча катта йўлга югуриб чиқади. Буни кўриб турган бўйинсаларидан бири хайрон қолади... Кейин шамокзордан одамнинг сонидай келадиган илон бош чиқариб турганини билиб аҳволни тушунади.

бобомиз «Шамок бобо» деган лақаб ҳам олдилар. Бугун чўлнинг содда, жайдари одамлари, оддийгина қилиб беғаразлик билан ўша воқеалар ҳақида ҳам гапиряшади...
Хозир Қизилтомга бориб Шамок бобомизнинг уйи қаерда десангиз, ҳамма билади, олиб боришади... ёки қишлоқ марказини кесиб ўтган йўл бўйлаб ястанган пахтазору, галлазорга қараб «Шамок бобомиз»нинг даласи деб қўйишади.
Қишлоқ шоми сирилиб, тун кўрпаси ёйилди. Нормурод бобо билан далада гулхан ёқди. Чўл саксовули чарсу-чурс овоз бериб, олов кўкка ўрлайди. Атрофда чиридоқлар чириллайди. Сирили ва жозибдор сукунат. Ҳаво мусаффо.
-- Ҳе, бир замонлар ўтди... Ҳе бир-не бир воқеалар бўлмади. Аммо, лекин неварга, шу халоллик яхши. Элдан айрилманг. Меҳнат қилинг. Қаранг, ким бу ерни чўл дейди. Кўчатлар ўсиб дов-даракхта айланди қишлоқ кенгайиб кетди, электр чирок келди. Йўллар асфальт бўлди,

Хаммаси эса... кечки пайт... бепоён, жимлик ҳоким, тун қўйнида, қўтлуғ заманда гулхан ёқиб халғга чўмдан янада жозибали туялади. Ажабмас, гулхан атрофида ўй сураётган мўйсафид чол хаёлларида ўтмиш ва бугун жонланаётган бўлса...

Кўчор НОРҚОБИЛ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХАТ ОРТИДА ИНСОН БОР

СЎНГИ БЕКАТ


Арзномалар... Улар таҳририятимизга келаятган хатларнинг бир қисмини ташкил этади. Табиийки, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан йўлланаётган ариза, шикоят ва илтимосномаларда кишиларни қийнаб қўяётган муаммолар, ҳал этилиши зарур бўлган камчилик, нуқсонлар ҳақида қуйиниб ёзилади.

Тасаввур қилайлик, бир қишлоқда табиий газ йўқ, ичимлик суви қувурлари ўтказилмаган. Ҳўш, бундан азият чекаётган қишлоқ аҳолиси биринчи бўлиб кимдан ёрдам сурайди? Турган гапки, хўжалик рансидан. Ранс эса катта муаммони бир дақиқадаёқ «ҳал қилади» -- маблаг йўқ! Қишлоқ аҳли «ҳа, энди имкони топилмайдиган мушкул иш экан-да», дея индамай қўл силтаб кетавермасдан «шўллаш» дан юқорироққа кўтарилди: туман ҳокимлиги, газлаштириш идоралари, сўнгра вилоят ҳокимлиги... ва ҳоказо. Шунда ҳам муаммо ҳал бўлмасачи? «Чикмаган жондан умид» қабилида газеталарга ёзилади. Шунданми ёки бошқа бир нажданми, деярли ҳамма арзномаларда «...энди сўнги умидимиз газетадан» деган жумлага, албатта, кўзингиз тушади. Уйлаб қолсан киши: газеталар мисоли «сўнги бекат»га ўхшаб қоляпти. Ахир кўмакка муҳтож кишилар «қани шу ерга («бекатга») бир тушиб кўрайликки, балки бирор иш чиқиб қолар» деган ниятда

гину изоҳлаб ўтириш шарт эмас, деб уйлаймиз. Улар мактубда кўрсатилган манзилга ташириб буюришса, балки ростдан ҳам лоқайдликни ўзлари тушуниб, маҳалланинг номига мос («Ҳақиқат») иш тутишарми. Тўғри, қишлоқ ёки маҳаллаларни газлаштирилмаётганининг объектив, субъектив сабаблари бор. Лекин жойлардаги бу муаммоларни пойтахтда эмас, маҳаллий раҳбарлар ҳал этиши керак эмасми?

Шундай одамлар бўладик, ўйлаб, юзлаб кишиларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари йўлида тинимсиз қайтарадилар. Бундай тоифада эса... ранжиймиз. Нега дейсизми? Чунки бизнинг туманимиз қолаверса, «Озод» жамоа хўжалиги пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг шундоққина биқинида жойлашган бўлса-да, ҳанузгача одамлар табиий газ ва тоза ичимлик суви нима эканлигини билишмайди. Атиги 3-4 километр масофа наридан ўтган газ қувурлари ҳалигача маҳаллага йўл тополмаганига ҳеч тушунолмаймиз».

Юқоридан келтирилган сатрлар Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «Озод» жамоа хўжалигида яшовчи (Омонбой Қўчқоров, жами 11 имзо) фуқаролардан келган мактубдан олинди. Маҳаллий раҳбарларнинг бундай ачинарли ҳолга ҳафсаласизлиги, эътиборсизли-



салқини ва мафтункор гузалингидан ҳамма бирлек баҳраманд бўлаётганлиги ҳақида фахрланиб гапирган эди. Не юз билан айтганики, ўша оромбахш ҳовуларнинг айримлари сув кўрмасдан ахлат ташланадиган жойга айланди, ёрут дунёдан «кўз юмдилар». Болалар уйнайдиган майдонларни эгаллаган бу ҳовуларга қанчадан-қанча маблаг сарфланган эди. Бугунги кунда эса, сал яхшироқ, қулай жойларда қурилган ҳовулар ўрнини тадбиркорлар сотиб олиб, дўконлар қуришиб, болалар майдончаларини ҳам эгаллаб олдилар.

Бундай бир қалар ўринли, жиддий мулоҳазалар билдирилган мактубларни яна келтириш мумкин. Жумладан, бойсунлик Ш. Иброҳимов, Хўжайли туманида яшовчи нафақахўр О. Солнев, Китоб туманидан М. Ортиқова ва баҳмаллик Д. Эргашевалар турли мавзуларда фикр юритишган.

Дарвоқе, газетамиз номига келаятган бундай мактублар алоҳида эътиборда ва натижасиз қолдирилмайди. Шикоят, ариза ва илтимосномаларда кўтарилган муаммолар, ҳақмат олинган камчилик ва нуқсонларнинг ижобий ҳал этилишини таҳририят ўз назоратига олади.

О. Тўрақулов, «Халқ сўзи» мухбири.

ОЧИҚ ТУРДАГИ "ПАЗИЗОД" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1997 йил 14 май куни соат 14.00 да корхона мажлислар залида акционерлар умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 12-уй.

КУН ТАРТИБИ:


1. Ҳиссадорлик жамияти 1996 йил фаолияти натижаси ва 1997 йилги вазибалар.
2. Ҳиссадорлик жамияти тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Ҳиссадорлик жамияти низомининг янги лойиҳасини тасдиқлаш.
4. "Пазизод" ҲЖ Кузатув кенгаши, Қимматли қозғолар, Умумий мажлис ҳуқуқлари ва мажлис ўтказиш тартиби, Тафтиш комиссияси ҳақида, Бошқарув ҳақида низомларини тасдиқлаш.
5. Тўрли масалалар.

Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги жамоаси ушбу дароҳда бош мутахассис лапозимда кўп йиллар хизмат қилган

Раҳим ҒОҒУРОВНИНГ бевақт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъатининг раёсати Тошкент вилоят суди қошдаги 2-хуқуқий маслаҳатхона адвокати Манзура Назаровага турмуш ўртоғи **Марат ХАЛФОННИНГ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ЁРИТГАН МАЁК

Бухородаги тарихий обидаларнинг кўплари VIII-XII асрларда, яъни Шарқ Уйғониш даврида бунёд этилган. Шундай ёдгорликлардан бири Минораи Калондир. ЮНЕСКО қарарига бинобарин бу меъморий мажмуа Масжиди Калон, Мир Араб ва Амир Олимхон мадрасалари билан яхлит қўшилиб кетган бўлиб, Пойи Калон ансамбли деб юритилади. Бу ер аслида тарихий жой ҳисобланиб, Бухоро Аркидан сал жанубий шарқда 713 йилли шаҳарнинг бош жомеъ масжиди қурилган, аммо турли уруш ва офатлар натижасида у бутунлай вайрон бўлган. 1121 йили Қорахонийлардан бўлган амир Арслонхон (1102-1130) вайрона масжид ўрнида янги жомеъ масжидини қурдиради. Арслонхон Бухоро атрофидаги сувсиз саҳроларда қарвонларнинг алашиб ҳалок бўлиши оқибатларини уйлаб шаҳарда энг баланд иншоот қуришни мўлжаллайди.

1124 йили машҳур усталарнинг қуриш лойиҳалари билан шахсан танишади ва Уста Бақонинг лойиҳасини маъқуллайди. Шу тариқа 1124 йил Наврўз кунларида Минора қурилишига яхши ният билан оқ фотиҳа берилди. 1127 йилда баландлиги 47,5 метр бўлган минора қуриб битказилади. Унинг энг юқори қисмида 16 та дарича қўйилиб, тунда ҳамма даричалар ёнида шам фонуслари (шамчирок) ёқиб қўйиладиган бўлган экан. Натияжада кечалари 50-60 қақирим масофадан чироқлар ёруғини маёқ

унинг атрофларида кўплаб хорижий савдогарларнинг қарвонлари ва омборхоналари бўлгани боис душманлар Бухорога тез-тез ҳужум қилиб турардилар. Минорага қўйилган тўртинчи талаб -- гўзаллиги, нақш ва ўймакорлиги билан кишиларга завқ бағишлаши керак эди. Уста Бақо бу талабни ҳам аъло даражада амалга оширди. Бухорода қурилиш санъати билан ажралиб турадиган обидалар жуда кўп эди. Шунини ҳисобга олган уста энг гўзал обидаларнинг нақшларидан кўчирма олиб, минорада 24 та катта-кичик халқалар ҳосил қилган. Бугунги кунда бузилиб кетиб, бизгача етиб келмаган биноларнинг минорада сақланиб қолган безаклари устанинг маҳоратидан нишонандир. Шу боис Минораи Калонни Бухоро архитектурасининг ўзига хос қомуси десак хато бўлмайди. Миноранинг энг устак халқаларидан бирида нақшли гиштлар билан «Амали Усто Бақо» ва «1127 йил, Арслонхон минораси» деган сўзлар ёзилган.

Шундай қилиб, Минораи Калон ўзининг қарийб 900 йиллик тарихи давомида жуда кўп воқеаларнинг тилсиз гувоҳи сифатида бизгача етиб келди. Аммо 1920 йил сентябрдаги Фрунзе бомбардимони натижасида минора қаттиқ зарар кўрди: тахминан 5, 16, 33, 40, 46 метрларида ҳали снарядларнинг изларини кўриш мумкин.

Аммо Бухоро халқи ўз бобокалон минорасини жараҳат ҳолича ташлаб қўймади. 1923-24 йиллар Ф. Хўжаев ташаббуси билан давлат ҳисобидан маҳаллий меъмор Абдуқодир Боқиев минорани қайта тасмирлади.

Бугунги кунда эса Минораи Калон 2500 йиллик юбилей муносабати билан Бухорога келиши мумкин бўлган минг-минглаб меҳмонларни кутмоқда. Умар РАШИДОВ, тарих фанлари номзоди.

ШЕЪР АЗИЗ ОЛАМ АРО

Рамз БОБОЖОН | Ўзбекистон халқ шоири

МЕН СЕНГА ВОРИСМАН

Кўлимда бир қисм Тошкент тупроғи, Узоқ ўтмишларга элтади хаёла... Бу қайси шахднинг муқаддас ҳоқи Ё қайси гўзалнинг лабидан хол?

Йиллар ўтар... ўтар салмоқли йиллар... Аммо унут бўлмас халқнинг ҳикмати! Утади шерҳодлар, қора кокилар, Юртининг юрағида яшар захмлар...

Қўш атрофида ер айланмиш Иллари тудирар асрларга тенг... Ўз бахтин яратиш инсон тавоши, Инсон хаёлининг фазолари кенг!

Тошкент! Буюкларга бўладиган бешик, Муътабар аждодлар қабри ҳам сенда... Келажак кўнларга қарадик тетик, Баъзан қолиб кетдик тўфонда, сенда...

Мовароуннахрнинг дайди шамолди Баъзан ўғирлади гуллар атрини Баъзан олиб келди халқнинг иқболи -- Улуғ Навоийнинг Олтин саптини.

Кўз очиб қўрганим шу табаррук ер, Ота-боболардан эзув бир мерос. Жафокан тарихнинг мангалайда тер, Соҳибқирон руҳи собит, сарфароз.

Курант жаранглайди, Тошкент куранти, Бинолар барваста, хиёбон шиша. Ўз эли эгаси ўзбегим, танти! Шаҳри ҳам ўзидек азамат, кўркам.

Нуроний Тошкентим, ёшардинг ёндай, Қарасам, қувончдан кўзим қамашар. Илҳомим сарбалайд тонги кўёндай, Мен сенга ворисман, десам ярашар!

ТИЛАЛАРИМ

Эй, юрак, иккуним сенга ҳавола! Сен ўзинг кафиссан, бутун умримга Сен меннинг сирдошим, мен-ла овра, Ҳаммаша ҳамқалам, ҳамдард шевримга. Кўриш насиб этса янги асри, Анвойи гуллардан унел ясай тахт! Қутлуғ гиштдан тилкай олий қасри, Илоҳий тож кийсан ойда шохдай Вақт!

Менинг тилагим шу, менинг уйларим, Келажак йилларга мендан нишона! Тонгимда янграган ҳаққўй куйларим Шомимда, наҳотки, бўлса бегона?!



БИР МАКТАБДАН ИККИ ЧЕМПИОН

Яқинда Қарши шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича болалар ва ўсмирлар ўрта-сидиги республика мусобақасида Чироқчи туманидаги Қори Ниёзий номли ўрта мактаб ўқувчиси Сарвиноз Эргашева 10 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида мамлакат чемпиони бўлди. Худди шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Зоҳид Қоравев эса 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Қашқадарё вилояти биринчилигини қўлга киритди. Бундай муваффақиятларга эришишда мазкур илм масканида мураббий Абдуқамол Эргашев раҳбарлигида ташкил этилган шахмат тўғрисида олинган сабоқлар жуда қўл келаяпти. Туман халқ таълими бўлими томонидан С. Эргашева, З. Қоравев ва А. Эргашевларга қимматбахо савғалар ҳамда пул муккофолари берилди.


Ёш, истеъдодли шахматчи қиз Сарвиноз Эргашева шу йил октябрь ойида Францияда бўлиб ўтадиган шахмат бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилиш учун пухта ҳозирлик кўраяпти.

Гафур ШЕРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲАЗИЛДАН ТАШҚАРИ

МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МАШҲУР БЎЛДИМ?

Яқинда республика телевидениесининг биринчи дастури орқали «Кўнгли кўчалари» видеофильмининг сўнгги ўттизичи қисми намойиш этилди. Албатта, унинг ниҳоятингизга етганлиги кўпчилик учун қўнглимаган воқеа бўлганлиги, шубҳасиз. Чунки бугунги ҳаётимиздаги мавжуд айрим иллатларни очиб берувчи, кўнгли сюжетга эга бўлган ушбу асар миллионлаб томошабинлар меҳрига сазовор бўлган эди.



Фильмнинг шуҳрат қозонишига унинг кекурун, одамлар оилавий бўлиб ойнаи жаҳонни томоша қиладиган вақтда намойиш этилганлиги ҳам ёрдам берган бўлса, ажаб эмас. Энг муҳими, у аксарият Фарб телесериаллари га хос бўлган уятли кўринишлардан мутлақо ҳоли. Аксинча, фильмда ижро этиладиган юракларнинг туб-тубиғача етиб борувчи латиф қўшқик бугун одамларнинг ҳам тилларидан тушмай қолди.

Видефильм сценарий муаллифи, таниқли драматург, шоир ва носир Машраб Бобоев айни йилда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг таржима редакциясини бошқараяпти. Иши жуда жиддий, масъулиятли. Эҳ-ҳе, ҳар куни қанчадан-қанча муҳим ҳужжатлар, хабарларни зудлик билан таржима қилиш керак. Нима бўлганда ҳам, ҳаммасига улгурши керак.

Ҳўш, шундай шароитда бу одам қандай қилиб, ажойиб кино асари сценарийсини ёзишга вақт топи экан-а, деган савол кўпчиликни қизиқтириши мумкин. Мен сизга ана шу «сир»ни очмоқчиман. Турган гапки, сценарий ёзиш -- қийин жараён. Бунинг учун киши кучли ақлий ва жисмоний қувватга эга бўлиши керак. Машраб Бобоев бу асарни алоҳида шароитларда, бахузур ўтириб ёзгани йўқ. Шунчаки, ҳар куни вақтли ишга келиб ва дам олиш кунлари ширин ҳорлиқдан кечиб, дисплей қаршида ўтирганча ёза бошларди. У доналардан бирининг, ҳар куни бир саҳифадан ёзсанг, бир йилдан сўнг 365 бетли китоб тайёр бўлади, деган маслаҳатига амал қилган бўлса керак.

Машраб Бобоев менга «Кўнгли кўчалари» фильмида суратга тушишни тақлиф қилганида дастлаб ҳар гапидек ҳазил қилаяпти,

деб уйладим. Лекин кутилмаганда ишлар жиддий тус олди. Кунларнинг бирида рассом Рузи Чориев, ёзувчи Низом Комилов билан тўпланганимизда Машраб ака ана уша гапни такрорлади. Биз Абдулла Қодирий хибонидаги хитой ресторанига йўл олдик. У ерда постанованимизда режиссёр Маҳкам Муҳамедов бошлиқ съёмкачилар гуруҳи кутиб турган экан. Мўъжазгина хонадаги стол атрофида ўтирдик. Маҳкам ака съёмка режиси ҳақида гапириб берди. Ниҳоят, оператор Рафъал Камолов камерани қўлга олди, съёмка бошланди...

Кўпчилик фильмларда кутилмаган ҳолатлар ҳам суратга олинади, у намойиш этилганда муваффақиятли чиқади. Рафъал сийфеткага расм солиб ўтирган Рузи Чориевга камерасини тўғрилаганида тенор овозда куйланаётган италянча қўшқик янгради. Мен ҳам расмдан қўнчимаслик учун дустларимни шунчаки суратга ола бошладим. Шу чоғ оёқда вақт турган «ширақайф» фильм қаҳрамони ўзининг улфатларини расмага туширишни тақлиф этиб қолди. Мен уйлаб ўтирмасдан: «Соққа борми?», дея сўрадим. «Пул бор!», дея жавоб беришди.

Орадан сал вақт ўтгач, уша серия телевизорда намойиш этилди. Қизини, айнан шу ҳолат ҳам фильмдан жой олибди! ... Эртаси кунинёқ мен жуда машҳур бўлиб кетдим. Эрталаб уйдан чиқиб, машинага ўтираётганимда, кўшимиз сўраб қолди: -- Рустам ака, соққа борми?

Дастлаб ҳеч нарсага тушунолмадим. Илгарилари кўшимнинг сира пулга зорикганини сезмаган эдим. Наҳот, энди шу аҳволга тушиб қолган бўлса? Тўғриси, чўнтагимда атиги икки-уч юз сўм бор эди. «Бор» десаму, камлик

қилса-чи... Шу чоғ қўшим кулиб юборди ва менга кўлини узатиб:

-- Кеча видеофильмда айтган гапингизни такрорлайман, -- деди.

Машҳурликнинг илк суруридан озгизм қулогимгача етиб, бир яйрадим-ай...

Пойтахтимиздаги энг катта гушлардан бўлмиш Фирдавсий маҳалласида ашайман. Бу ерда кекса-ю ёш -- ҳаммаси таниш. Ана шундай кишилардан бири бўлмиш Хусан қасосбининг дўконига йўлим тушди. У мен билан қуюқ сўрашиб, тўштининг энг лаҳм жойларидан кесиб, ҳатто бир булак қўшиб ҳам берди: -- Буниси шахсан бизнинг ҳисобимиздан, ош бўлсин, -- деди у. -- Айтгандай, яна қачон сизни кинода кўрсатишди?

Ҳа, бу жуда қийин савол эди. Ахир, уша кунинёқ кўзим билан кўрдим, фильмни суратга олиш -- ниҳоятда оғир жараён экан. Съёмка майдонида ҳеч кимга -- режиссёрга ҳам, сценарий муаллифига ҳам, тасвирчига ҳам осон тутиб бўлмайди. Актёрларнинг келадиган машаққатларини-ку, асти қувверинг. Ҳўш, кадр ортидаги бундай қийинчиликларни Хусанбойга қандай тушутирсан экан?

Ҳазил-ку, ўз йўлига. Бироқ жиддий айтганидан бўлсақ, «Кўнгли кўчалари» телесериали алақачон халқимиз кўнгил мулкидан жой олиб улгурди. Уни томоша қилиш жараёнида кишиларда ҳаммаша эъзулик ёвузлик устидан голиб чиқишига бўлган ишонч мустаҳкамланди.

Рустам ШАҒАЕВ (ЎЗА), журналист. СУРАТДА: «Кўнгли кўчалари» фильмнинг постановкачи режиссёри Маҳкам Муҳамедов ва сценарий муаллифи Машраб Бобоев. Суратни муаллиф олган.

«ОНА ТИЛИМ -- ЖОНУ ДИЛИМ»

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази ташкил этган «Она тилим -- жону дилим» шиори остидаги «Ўзбек тили» доимий анжуманининг тўртинчи конференцияси иш бошлади.

Ўқув муассасаларидаги тил таълимини такомиллаштиришга қаратилган бу анжуман 1991 йилдан буён ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинмоқда.

Икки кун давом этган бу йилги конференция таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари муаммосига бағишланган. Ялпи мажлисда сўзга чиққан халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев муваққиллик йилларида давлат тилини жорий этиш, маънавият ва маърифатни миллий анъаналар асосида янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли амалга ошириладиган ишлар мактабгача тарбия ҳамда умумтаълим мактабларида ҳам ўз самарасини бераётганини таъкидлади, бу борада олдидинда турган долзарб вазифаларга эътиборни қаратди.

Республикамизнинг барча вилоятларидан келган ўқитувчи, тарбиячи, олим ва мутахассислар шўъба йиллишларида нутқ маданияти, матн устида ишлаш, ёзма саводхонлик, ноанъанавий дарс ўтиш, янги алифбо, махсус таълим, эски ўзбек ёзуви, олий таълимда ўзбек тили каби мавзулар юзасидан фикр алмашди.

ЖАҲОН СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚАЛТИС ҲАЗИЛ

ФУТБОЛ. Швеция футбол тарихида ҳали бунақаси бўлмаган эди. Мамлакат чемпионати бошланишидан бир кун олдин олий лига жамоалари уйинларини ўтказадиган барча ҳакамлар бир хил мазмундаги таъйиқ хатлари олишди. Уларда Стокгольм жамоаси -- «АИК» клубига қарши уйинларда нотўғри ҳукм чиқарган ҳакам кўнгилсиз ҳодисаларга мубтало бўлиши таъкидланган.

Швеция футбол иттифоқи бу воқеани жиддий баҳолаб, зудлик билан полицияга мурожаат қилди. Айрим мутахассисларнинг фикрича, бу -- кимларнингдир қалтис ҳазили. Лекин мазкур ҳодиса биринчи бор рўй бераётгани боис, «ҳазилкашлар» тегиниши жаҳосини олиши керак, деб ёздаи мамлакатда моп этиладиган газеталардан бири.



ХАЛҚАРО СУПЕРТУРНИРЛА

ШАХМАТ. Испаниянинг Дос-Эрманасе шахрчасида шахмат бўйича ўтказилаётган халқаро супертурнирда россиялик спортчи Владимир Крамник беш очко жамгарган ҳолда олдинда кетмоқда.

Ҳиндистонлик шахматчи Вишванатан Ананд ҳисобида эса 4,5 очко бор. Шунини таъкидлаш керакки, 1995 йилдан буён шахмат бўйича эркаклар ўртасидаги бахсларда қатнашиб келаётган венгриялик аёл Юдит Полгар 4 очко билан учинчи ўринда бормоқда. Халқаро шахмат ассоциацияси (ФИДЕ) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони ҳисобланган Анатолий Карпов эса ўз рақибларидан анча ортда қолиб кетди.



(ЎЗА).

Central Asia agro food 97 advertisement with logo and contact information.



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадритлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туғли муҳаррират 33-10-28; Эълонлар 36-09-25.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир -- О. Раҳимов. Навбатчи -- Ф. Шермуҳаммад. Мусаҳҳах -- Ш. Режапов.